



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 3 » ноябрь

№ ПК–328

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги
“Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига
кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК–61 сон
қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

2025 йил 8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича ўтказилган йиғилишда белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги
“Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига
кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК–61-сон
қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш
ва қўшимчалар киритилсин:**

- (а)** олий таълим ташкилотлари битирувчилари ва уларни ишга олган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;
- (б)** “Келажакка қадам” дастурини тижорат банклари ўртасида оммалаштириш;
- (в)** олий таълим ташкилотлари ўқув дастурларига бизнес кўникмаларини шакллантиришга қаратилган аниқ фанларни киритиш;

(г) олий таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини назорат қилиб бориш тартибини такомиллаштириш;

(д) олий таълим ташкилотлари битирувчилари томонидан амалга ошириладиган стартап ва инновацион лойиҳаларни грант маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги
“Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига
кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПҚ–61-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

- (а) “а” кичик банддаги “битирувчи босқич талабалари учун “Ўзмиллийбанк” АЖ” сўзлари “битирувчи босқич талабалари ва олийгоҳни тамомлаганига 3 йилдан ошмаган битирувчилар учун 1-иловага мувофиқ Дастурда иштирок этувчи тижорат банклари (кейинги ўринларда – ваколатли банклар)” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (б) “б” кичик банднинг биринчи хатбошисидан “ва қуйи” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 3-бандда:

- (а) биринчи хатбошидаги “Ўзмиллийбанк” АЖга” сўзлари “ваколатли банкларга” сўзлари билан алмаштирилсин;
- (б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорида битирувчи босқич талабаларининг ўқув жараёнида корхона (ташкилот)да амалиёт (кейинги ўринларда – амалиёт) ўташ харажатларини молиялаштириш ҳамда энг яхши стартап ва инновацион лойиҳаларга грант маблағлари тақдим этиш учун беғараз асосда маблағ ажратилсин”;

3. Қуйидаги мазмундаги 3¹–3⁵-бандлар билан тўлдирилсин:

“3¹. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги ресурсларнинг ваколатли банклар ўртасидаги тақсимооти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3². Олий таълим ташкилотлари битирувчиларини иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада кредитлар (кейинги ўринларда – имтиёзли кредит) ажратиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда:

- (а) имтиёзли кредит тадбиркорлик субъектларига ҳар бир миллиард сўм қийматгача бўлган маблағ учун камида бир нафар битирувчини ишга қабул қилиш шарти билан ажратилади;
- (б) имтиёзли кредит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларга асосий воситалар сотиб олиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилади;
- (в) тадбиркорлик субъекти унинг имтиёзли кредит олишига сабаб бўлган битирувчи(лар) ўртасида икки йил давомида меҳнат шартномаси бекор бўлган тақдирда, кредит фоизи меҳнат шартномаси бекор бўлган санадан тижорат ставкасига ўзгартирилади, бундан ушбу ходим(лар) ўрнига бир ой муддатда бошқа битирувчи(лар)ни ишга қабул қилинган ҳоллар мустасно.

3³. Амалиёт ўташ харажатларини молиялаштириш ҳамда энг яхши стартап ва инновацион лойиҳаларга грант маблағлари тақдим этишда шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а) ваколатли банклар томонидан тегишли миқдордаги маблағларни олий таълим ташкилотларига ўтказиш учун олий таълим ташкилоти, иш берувчи ва талаба ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) асос бўлади, индивидуал касбий таълим дастури шартномага илова қилинади;
- (б) шартномада томонларнинг битирувчини ишга жойлаштириш бўйича аниқ мажбуриятлари ва мазкур мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланади;
- (в) олий таълим ташкилоти томонидан талабанинг амалиёти муддатига мос равишда ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоригача тўловлар амалга оширилади;

(г) заруратга кўра, иш берувчининг буюртмасига мувофиқ талабанинг чет элдаги олий таълим ташкилоти ҳамда корхоналарда қисқа муддатли курсларга қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида тўловлар амалга оширилади;

(д) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги ваколатли банклар билан ҳамкорликда битирувчилар ўртасида энг яхши стартап ва инновацион лойиҳалар танлови ташкил этилади ҳамда танлов ғолибларига камида икки нафар битирувчини ишга олиш мажбурияти билан бир миллиард сўмгача грант маблағлари ажратилади.

3⁴. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бир ой муддатда илғор хорижий тажриба асосида олий таълим ташкилотларининг ўқув дастурларига бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича танлов фани киритилишини таъминласин.

3⁵. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги олий таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини таъминлашга ҳамда статистик маълумотлар юритилишига масъул этиб белгилансин.”.

4. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. 2025 йил 15 ноябрь кунига қадар:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ваколатли банклар билан биргаликда Дастурни амалга ошириш бўйича услубий қўлланмаларни тасдиқласин;

Марказларга ваколатли банкларнинг масъул ходимлари бириктирилсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказларнинг ҳудудий бўлинмалари олий таълим ташкилотларида жойлаштирилишини таъминласин”.

5. Қуйидаги мазмундаги 1-илова билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 14 февралдаги ПҚ–61-сон қарорига
1-илова

**“Келажакка қадам” дастурида иштирок этувчи тижорат банклари
РЎЙХАТИ**

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ
2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
3. “Асакабанк” АЖ
4. АТ “Халқ банки”
5. “Микрокредитбанк” АТБ
6. “Агробанк” АТБ
7. “Туронбанк” АТБ
8. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ”.

6. Қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 14 февралдаги ПҚ–61-сон қарорига
2-илова

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан олий таълим
ташкилотлари битирувчи талабалари бандлигини қўллаб-қувватлаш
мақсадида ажратиладиган ресурсларнинг тижорат банклари ўртасидаги
ТАҚСИМОТИ**

млн. АҚШ долл. экв.

Т/р	Тижорат банки номи	Ажратиладиган ресурс			Битирувчилар бандлигини таъминлаш** (нафар)
		Жами	шу жумладан:		
			кредит линияси	беғараз асосда*	

1.	“Ўзмиллийбанк” АЖ	20	16	4	6 000
2.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	12	9,6	2,4	3 600
3.	“Асакабанк” АЖ	12	9,6	2,4	3 600
4.	АТ “Халқ банки”	12	9,6	2,4	3 600
5.	“Микрокредитбанк” АТБ	12	9,6	2,4	3 600
6.	“Агробанк” АТБ	12	9,6	2,4	3 600
7.	“Туронбанк” АТБ	10	8	2	3 000
8.	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ	10	8	2	3 000
ЖАМИ		100	80	20	30 000

Изоҳ:

** талабаларнинг амалиёт ўташ харажатларини молиялаштириш, грант маблағларини ажратиш учун йўналтирилади;*

*** кредит маблағлари ажратиш ҳамда маҳаллабай ишлаш тизими асосида тадбиркорлар билан манзилли ишлаш орқали таъминланади”.*





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 3 » ноября

№ ПП–328

**О внесении изменений и дополнений в постановление
Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2025 года
№ ПП–61 «О дополнительных мерах по содействию трудоустройству
выпускников высших образовательных организаций»**

В целях осуществления основных задач, определенных на совещании, проведенном 8 августа 2025 года с участием Президента Республики Узбекистан, по обеспечению занятости выпускников высших образовательных организаций **постановляю:**

- 1.** Внести в постановление Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2025 года № ПП–61 «О дополнительных мерах по содействию трудоустройству выпускников высших образовательных организаций» изменения и дополнения согласно приложению, предусматривающие:
 - (а)** совершенствование механизмов финансовой поддержки выпускников высших образовательных организаций и принявших их на работу субъектов предпринимательства;
 - (б)** популяризацию среди коммерческих банков Программы «Келажакка кадам»;
 - (в)** включение в учебные программы высших образовательных организаций дисциплин по точным наукам, направленных на формирование бизнес-навыков;

- (г) совершенствование порядка контроля занятости выпускников высших образовательных организаций;
- (д) поддержку стартап и инновационных проектов, реализуемых выпускниками высших образовательных организаций, за счет грантовых средств.
2. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан А.Н. Арипова.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

**Изменения и дополнения,
вносимые в постановление Президента Республики Узбекистан
от 14 февраля 2025 года № ПП–61 «О дополнительных мерах
по содействию трудоустройству выпускников высших
образовательных организаций»**

1. В пункте 1:

(а) подпункт «а» изложить в следующей редакции:

«полное сопровождение, включая финансирование на выгодных условиях, участвующими в Программе коммерческими банками (далее – уполномоченные банки) согласно приложению № 1 к настоящему постановлению процесса от бизнес-идеи до готового проекта студентов выпускного курса высших образовательных организаций, а также выпускников, со дня окончания высшей образовательной организации которыми прошло не более трех лет, изъявивших желание реализовать свои бизнес-идеи»;

(б) в абзаце первом подпункта «б» слова «и студентов других курсов» исключить.

2. В пункте 3:

(а) в абзаце первом слова АО «Узмиллийбанк» заменить словами «уполномоченным банкам»;

(б) абзац третий изложить в следующей редакции:

«в эквиваленте 20 миллионов долларов США на безвозмездной основе для финансирования расходов по прохождению студентами выпускного курса практики (далее – практика) на предприятии (в организации) в учебном процессе, а также грантовые средства на лучшие стартап и инновационные проекты»;

3. Дополнить пунктами 3¹–3⁵ следующего содержания:

«3¹. Утвердить распределение ресурсов в эквиваленте 100 миллионов долларов США, выделяемых Фондом реконструкции и развития, между уполномоченными банками согласно приложению № 2.

3². Внедрить практику выделения субъектам предпринимательства, обеспечившим работой выпускников высших образовательных организаций, кредитов в размере до 5 миллиардов сумов на срок 7 лет, включая двухлетний льготный период, по годовой ставке, превышающей основную ставку Центрального банка на 4 процентных пункта, (далее – льготные кредиты).

При этом:

(а) льготные кредиты выделяются субъектам предпринимательства для средств в размере до каждого одного миллиарда сумов с условием приема на работу не менее одного выпускника;

(б) льготные кредиты выделяются на проекты производства и в сфере оказания услуг для приобретения основных средств и пополнения оборотных средств;

(в) в случае прекращения трудового договора между субъектом предпринимательства и выпускником (выпускниками), послужившим получению льготного кредита, в течение двух лет проценты по кредиту изменяются с даты прекращения трудового договора на коммерческую ставку, за исключением случаев приема на работу в месячный срок вместо указанного работника (работников) другого выпускника (выпускников).

3³. Установить порядок финансирования расходов по прохождению практики и выделения грантовых средств на лучшие стартап и инновационные проекты, в соответствии с которым:

- (а) для перечисления уполномоченными банками средств в необходимом размере высшей образовательной организации основанием является трехсторонний договор, заключаемый между высшей образовательной организацией, работодателем и студентом (далее – договор), программа индивидуального профессионального образования прилагается к договору;
 - (б) в договоре определяются конкретные обязательства сторон по трудоустройству выпускника и меры ответственности за неисполнение этих обязательств;
 - (в) высшей образовательной организацией осуществляются выплаты до 10-кратного размера базовой расчетной величины за каждый месяц соразмерно сроку практики студента;
 - (г) при необходимости на расходы по участию студента в краткосрочных курсах в высшей образовательной организации и на предприятиях за рубежом по заказу работодателя осуществляются выплаты в 50-кратном размере базовой расчетной величины;
 - (д) Министерством высшего образования, науки и инноваций, Агентством инновационного развития совместно с уполномоченными банками среди выпускников организовывается конкурс на лучшие стартап и инновационные проекты, победителям которого с обязательством приема на работу не менее двух выпускников выделяются грантовые средства в размере до одного миллиарда сумов.
- 3⁴. Министерству высшего образования, науки и инноваций в месячный срок на основе передового зарубежного опыта обеспечить включение в учебные программы высших образовательных организаций предметов по выбору для формирования бизнес-навыков.

3⁵. Определить Министерство занятости и сокращения бедности ответственным за обеспечение занятости выпускников высших образовательных организаций и ведение статистических данных».

4. Пункт 4 изложить в следующей редакции:

«4. В срок до 15 ноября 2025 года:

Министерству высшего образования, науки и инноваций совместно с уполномоченными банками утвердить методические пособия по реализации Программы;

прикрепить к Центрам ответственных работников уполномоченных банков;

Министерству высшего образования, науки и инноваций обеспечить размещение территориальных подразделений Центров в высших образовательных организациях».

5. Дополнить приложением № 1 следующего содержания:

«Приложение № 1
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 14 февраля 2025 года № ПП–61

**ПЕРЕЧЕНЬ
коммерческих банков, принимающих участие в Программе
«Келажакка қадам»**

1. АО «Узмиллийбанк»
2. АКБ «Узсаноаткурилишбанк»
3. АО «Асакабанк»
4. АК «Халк банки»
5. АКБ «Микрокредитбанк»
6. АКБ «Агробанк»

7. АКБ «Туронбанк»

8. АКБ «Банк развития бизнеса».

10. Дополнить приложением № 2 следующего содержания:

«Приложение № 2
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 14 февраля 2025 года № ПП–61

РАСПРЕДЕЛЕНИЕ

**ресурсов, выделяемых Фондом реконструкции и развития в целях
поддержки занятости выпускников высших образовательных
организаций, между коммерческими банками**

в экв. млн. долл. США

№	Наименование коммерческих банков	Выделяемые ресурсы			Обеспечение занятости выпускников ** (количество)
		Всего	в том числе:		
			кредитная линия	на безвозмездной основе*	
1.	АО «Узмиллийбанк»	20	16	4	6 000
2.	АКБ «Узсаноаткурилишбанк»	12	9,6	2,4	3 600
3.	АО «Асакабанк»	12	9,6	2,4	3 600
4.	АК «Халк банки»	12	9,6	2,4	3 600
5.	АКБ «Микрокредитбанк»	12	9,6	2,4	3 600
6.	АКБ «Агробанк»	12	9,6	2,4	3 600
7.	АКБ «Туронбанк»	10	8	2	3 000

8.	АКБ «Банк развития бизнеса»	10	8	2	3 000
ИТОГО		100	80	20	30 000

Примечания:

** направляются для финансирования расходов по прохождению студентами практики, выделения грантовых средств;*

*** обеспечивается путем выделения кредитных средств и адресной работы с предпринимателями на основе системы работы «махаллабай».*

